



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, info@uzssgz.uz • 2016 йил 4 март • № 9 (1082)

ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ ИЗЗАТ УЧУН ЯРАЛГАН...

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида: "Барчамизга яхши аёнки, ҳар бир инсон, аввало Аллоҳнинг марҳамати билан она зотининг ўз боласини юраги остида асраб тўққиз ой давомида тортган машаққатлари туйғайли дунёга келади. Шу боис ҳаммамиз Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз тимсолида ҳаёт абадийлигини таъминлаб келаётган табарруқ зотларни кўрамиз. Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай аъноларимизга доим содиқ бўлиб яшаймиз", деб таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, аёлнинг жамиятдаги ўрни бекиёсдир. У нафақат яратувчи, балки меҳрибон она, вафодор ёр, буюк тарбиячи, моҳир тadbirkor, қолаверса, жамиятимиз гултождир. Шу аснода, ўзбек наъмининг забардаст вакили, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган шифокор сифатида унинг кўплаб шеърларида оналар ва аёлларимизни мадҳ этувчи мисралар Юртбошимизнинг таърифларига ҳамоханг келишига гувоҳ бўлганман. Севимли шоиримиз "Ўзбекнинг аёллари" деб номланган шеърда куйидаги сатрларни битадик, улар инсон руҳиятини жумбушга келтиради ва аёлларга

бўлган эҳтиром туйғусини уйғотади.

*Ўзбекнинг аёллари,
Ўзбекнинг хотинлари,
Сувдан ҳалол, гулдан пок
Кўллари олтинлари.*

*Ёт олдидан сал нари,
Қачон кокил ўролган.
Ўзбекнинг хотинлари,
Ифбат учун яралган.*

*Қай томонга бурса юз
Йўллари олтинлари.
Ўзбекнинг хотинлари
Иззат учун яралган!*
Шоирнинг ушбу шеърда ўзбек аёлига бўлган ўзига хослик, бошқа миллатларда кам учрайдиган

Давоми. Боши 6-бетда.



Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

БУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Чуқурлаштирилган тиббий кўрикда ана шундай эзгу амални кўриш мумкин

«Пойтахтдан мана-ман деган мутахассислар келиб, беморларни кўриқдан ўтказишаётган экан. Узоқ йўлимизни яқин қилиб, фарзандларимиз ҳамда кексаларимизни бирма-бир текшириб, тавсия ва йўлланмалар бераётган шифокорларимиз омон бўлсинлар», дея дуо қилганича тиббий кўрикка шошилиб келаётган отахону онахонларимизнинг юз-кўзларида балқиб турган шўкроналикни кўриб, бизнинг қалбимиз равшан тортиди.

Дарҳақиқат, эзгу аънонага айланган мазкур саломатлик акцияси 2016 йилнинг 29 февралдан 5 мартга қадар республикамиз миқёсида давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги «Соғлом она ва бола йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолини «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шоири остидаги акцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан ташкил этилиб, унда малакали мутахассислар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқнинг ўтказилаётганлиги, албатта халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур тadbirkorнинг асосий мақсади – республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, фертил ёшдаги аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишдан иборатдир. Унда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, республика клиник шифохоналарининг етакчи олимлари ва юқори малакали шифокорлари (хирург, терапевт, кардиолог, педиатр, невропатолог, офтальмолог, акушер-гинеколог) иштирок этмоқдалар.

Таъхириятимиз ходимлари Тошкент вилояти миқёсида ўтказилган «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шоири остидаги тadbirkorда иштирок этиб, жараён тафсилотларини куйидагича ифода этадилар.



(Давоми 4-бетда).

Аёл ва жамият

ЭНГ МУКАРРАМ ЗОТГА ТАЪЗИМ



Мадина КАРИМОВА,
Республика "Она ва бола скрининги" маркази
директори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси:
– Сир тутиб бир гунча бандин муҳаббат,
Бир Меҳр гулидан яшнаса ҳаёт.
Ул Момо Ҳавонинг муқаддас гули
Сен ўзинг эй аёл, эй муқаррам зот.

Чиндан-да аёл қалби битмас-туганмас мўъжизалар манбаидир. Қайси бир жабҳага қараманг, замонамиз аёлларининг даражаси қандайдан, назокат оламига туташ қалб кашфиётлари-

дан, фарзандлар камоли йўлидаги фидойиликларидан ҳайратланасиз. Айниқса, 2016 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши биз аёлларга жуда катта шижоат ва завқ бағишлади. Бугун жаҳон илму фани ютуқларига ўз ҳиссасини қўшаётган, халқаро ареналарда она Ватанимиз шаънини, мусиқа ва санъатда ноёб истеъдодини намойён қилаётган ўзбек аёлини бутун олам танимоқда. Уларнинг жамиятдаги фаоллиги ва оиладаги иззати, аввало, Юртбошимиз томонидан юксак баҳоланаётганлигини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанادا Президентимиз: "Ҳақиқатан ҳам болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти

она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз керак", дея таъкидладилар. Бу албатта, юртимиз хотин-қизларига бўлган юксак эҳтиромдан далолатдир. Шунинг билан биргаликда бу биз тиббиёт ходимлари зиммасига юклатилган улкан масъулия эканлигини унутмаслигимиз керак. Замонавий аппаратлар ва жиҳозлар билан таъминланиб борилаётган тиббиёт муассасаларида биз истаган барча шароитлар муҳайё этилган. Эл-юрт соғлиги йўлида жон куйдириб ишласак, меҳру муҳаббатимиз ва шижоатимиз билан давр талабларини бажара олсак, шунинг ўзи бир бахтдир.

Байрам яқин. Ҳар биримиз юртимизга файзу барака тилаб, дуога шайланган момоларимиз шу бувижонларимиз қошига шошиламиз. Энг тансиқ таом-

ларини пишириб, тўкин дастурхон атрофида туз тотмай, фарзанди йўлларига нигорон бўлаётган онажонларимиз ҳузурига ошиқамиз. Ўз ташвишларини унутиб ука-сингиллари йўлларига ҳеч кимга билдирмай термулаётган меҳридарё опаларимиз сари йўл оламиз. Баҳор гуллари янглиғ ўз ҳусну таровати, ибоси ва ҳаёси билан қалбларга шуъла олиб кираётган сингилларимиз қўлига бир дона бўлса-да, гул тутишни истаймиз. Уларнинг миннатдорона боққан биргина табассумлари бутун оламга чароғонлик бағишлаши аниқ. Чунки, баҳор ҳар бир кишига илиқлик бағишлайди. Яхшилик, эзгулик аён-аналари бардавом бўлган ана шундай фаровон кунларда ҳамманинг хонадонига тинчлик-омонлик, оилавий хотир-жамлик тилаб қоламиз.

Байрамнинг муборак бўлсин, азизлар!

Санобар УЗОКОВА,
Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги
"Кавардон" қишлоқ врачлик пункти мудираси, «Шухрат» медали соҳибаси:

– Болалигимда момом хиргойи қилиб айтган аллани жуда яхши эсламан: "Гул исингдан болама, хумор бўлай, алла, қош-кўзингдан болама, тумор бўлай, алла, тахту бахтингни тилаб, бедор бўлай, алла..." Дарҳақиқат, фарзанд ҳаётимиз гулидир. Айниқса, бўлгуси она ҳисобланган қизларимиз тарбияси ҳамиша элимизнинг ширин қайғуси ва ташвиши бўлиб келган. Бугунги кунда хотин-қизларимиз саломатлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларни кўриб, қалбинг фаҳрга, ғурурга тўлади. Зеро, аёл зоти ҳамиша эътиборга, меҳрга, парваришга эҳтиёж сезгучи нозик ҳилқатдир. Айни пайтда республикамизнинг энг чекка ҳудудларида фаолият олиб бораётган қишлоқ врачлик пунктларида дилбар қизларимиз, фертил ёшдаги аёллар соғлигини асраш ва тиклаш борасида эътиборга молик ишлар

амалга оширилмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг мана бу сўзларини келтириб ўтмоқчиман: "Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим. Шулар қаторида тиббиёт муассасалари, жумладан, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техник базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш, перинатал ҳамшира-

лар сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз керак".

Чинданда мураккаб иқлим шароитида, олис ҳудудларда оиласи ва фарзандлари камоли учун фидойилик билан меҳнат қилаётган аёлларимизни ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Шунинг билан биргаликда уларнинг ҳар бир мурожаатини жон қулоғи билан тинглаб, керакли тавсия ва йўлланма бераётган бирламчи тиббиёт бўғини шифокорлари ва ҳамшираларининг фидойиликларини ҳам айтиб ўтишимиз зарур. Қолаверса, ҳозирги кунда ушбу бўғиндаги мавжуд камчиликлар ва муаммоларни бартараф қилиш ишларига катта аҳамият қаратилаётганлиги қувонарлидир.

Тинч ва осойишта юртимизга байрамлар ярашади. Ва бу бай-



рамларга алоҳида гўзаллик ҳамда нафосат бағишлагувчи хотин-қизларимиз ҳамиша гулдек очилиб, меҳру муҳаббат тантанасидан ғурурланиб юрсинлар дейман. Саккизинчи март куни барчамиз куёш тафтини қалбида мужассам этган онажонларимиз ҳузурига ошиқамиз. Гарчи ўзимиз ҳам она бўлсак-да, боладай эрқалангимиз, меҳрибонимиз

бағрига юзимизни босиб тин олгимиз келади. "Ўзим ўргилай, болажоним", деган сўзларидан олам-олам қувват оламиз. Мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, соғлом авлод камолоти йўлида тинимсиз изланаётган, меҳнат қилаётган барча аёлларимизни қутлуғ байрамлари билан самимий табриклайман.



Шақноза САТТОРОВА,
Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси
кўп тармоқли поликлиникаси патронаж ҳамшираси,
«Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълоҳиси» кўкрак нишони соҳибаси:

ҳаббат туйғусини ҳис қиламиз. Оламшумул ютуқлари билан барчани ҳайратга солаётган болажонлару она юрт шаъни учун майдонга тушаётган азамат йигитлар ва дилбар қизларимизнинг ноёб истеъдодлари ҳам «Она» деб аталмиш буюк зотнинг фидойилиги туйғули юзага чиқади. Шу боис, айни пайтда юртимизда соғлом она ва бола тамойилига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён эса, албатта тиббиёт ходимларига жуда катта масъулия юклайди. Қолаверса, вақт ўтгани сайин одамларимизнинг соғлом турмуш тарзи ва соғлом фикрлашга бўлган иштиёқи ортиб бормоқда. Ҳар томонлама соғлом оилани вужудга келтиришда биз тиббиёт ходимлари уларнинг ёрдамлари ва интилишларисиз ҳеч нарсага эришолмаймиз. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури қабул қилинганидан сўнг жамоамиз

ходимлари билан маҳаллаларга чиқиб, аҳоли орасида дастурнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз. Шифо масканимизда аҳолига барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ҳар бир маҳалла учун алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, уларда умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалари фаолият олиб боришади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси ҳамкорлигида поликлиникамизга берилган тиббий асбоб-ускуналар (патронаж сумка, болалар тарозиси) бугунги кунда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда. Елкасига махсус сумкаларини осиб маҳаллаларимизга жилмайибгина кириб келаётган бу ҳамшираларни каттаю кичик, ёшу қари жуда яхши танишади.

Ўтган йиллар билан ҳозирги давр имкониятлари ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу албатта, истиқлолимиз шарофатидан. Айниқса, оилавий поликлиникаларни қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларига жиддий ёндашилаётганлиги, ҳар бир бўлим замонавий аппаратура ва жиҳозлар билан таъминланаётганлиги биз каби тиббиёт ходимларига кўтаринки кайфият ва шижоат бағишламоқда. Етарлича шароит яратилган масканда инсон бор меҳру муҳаббат билан ишлашга ҳаракат қилади. Мен бугунги гўзаллик ва эзгулик байрами билан тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган барча аёлларимизни чин дилдан муборакбод этаман. Уларнинг келгуси ишларида зафарлар тилаб қоламан.

Саҳифа материалларини
Мухтасар ТОЖИМАТОВА
тайёрлади. Ақром АБДУЛЛАЕВ
олган суратлар.

ПАТРОНАЖ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда 1 мартдан 1 апрелга қадар ҳудудлардаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида патронаж ойлиги ўтказилади.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад тиббий-профилактика тадбирларини янада такомиллаштириш, фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар, ёлғиз кек-

салар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар ҳолидан хабар олиш ва тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни кенгайтиришдир. Ойликни самарали ташкил этишда бирламчи тиббий-санитария тизими шифокор ва ҳамшираларига вилоят, туман, шаҳар тиббиёт муассасалари тиббий ходимлари яқиндан кўмак бе-

ради. Тиббиёт марказлари, диспансерлар, клиникаларнинг шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари диспансер назоратида турган беморларнинг уйига бориб, ҳолидан хабар олади.

Газетамизнинг навбатдаги сонларида ушбу ойлик ҳақида батафсил маълумот бериб борилади.

Аёлга эҳтиром

ОИЛАНИНГ БАХТУ ИҚБОЛИН

яратади она деб аталмиш улуг бир сиймо

Авалло, мустақиллигимиз, қолаверса Бош Қомусимиз берган шарофат туфайли хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ролини ошириш, улардаги салоҳиятнинг тўла-тўқис намоён этилиши учун имкониятлар яратиш, оналик ва болаликни, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи чин маънода давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳаётида давлат бошқарувини демократлаштириш ва янада либераллаштириш ислохотлари жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сиёсий онг ва маданиятини ривожлантириш орқали демократик кадрятлар ижтимоий ҳаётимизда ўз ифодасини топишига асос бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Сиёсий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Президентимиз ташаббусига кўра, 1991 йилнинг ёзидаёқ жамиятда аёллар ролини янада оширишга хизмат қиладиган ва айниқса мамлакатда демографик вазият хусусиятларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қайта тикланди. 1992 йилда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганидан сўнг БМТнинг «Хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай шакллари тугатиш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилди. 1993 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги махсус Фармони қабул қилинди. Унга кўра, Республика Бош вазирининг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди.

Демократик жамиятни яратишнинг муҳим шартларидан бири, аввало, ҳар жиҳатдан соғлом, маънавияти юксак, мустақил фикрловчи янги авлодни тарбиялашдан иборатдир. Оила мустақамлиги ва келажак авлод баркамоллиги ҳар жиҳатдан хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги фаоллиги, жисмонан ва маънан соғломлигига ҳам боғлиқ.

Ўтган йиллар мобайнида

мамлакатимизда таълим соҳасида, шунингдек, гендер тенгликда, соғлиқни сақлаш, аёлларга ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ масалаларда катта ютуқларга эришилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдатида «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Давлат дастури қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.



Конституцияимизнинг 46-моддасида: «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар», деб белгиланган. Ушбу нормада мустақамланган қондаларнинг ҳаётимиздаги аксини мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, 2004 йилда парламентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, сиёсий партиялардан кўрсатилаётган жами номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Сиёсий қарорлар қабул қилишда, аҳоли кенг қатламлари манфаатларини рўёбга чиқаришда мазкур ислохотларнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, бугун мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизи, ишчи кучининг 45 фоизини аёллар ташкил этади.

Ортбошимиз таъкидлаганидек, барқарор, мустақам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи иштироки равишда, профессионал асосда мамлакат сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли муҳим аҳамиятга эга. Чунки, нодавлат характердаги, турли гуруҳлар ва

лилар, фермер ва ҳунарманд аёллар ва бошқа соҳа вакиллари манфаатларини рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси бўлмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги норма белгиланган.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш ҳақида сўз юритганда, дунё таърибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиётига тўхталмасдан бўлмайди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ушбу амалиётнинг самараси оналар ва дунёга келаятган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшиланаётганида, вазни кам болалар туғилишининг олди олинаятганида намоён бўлмоқда. Она ва бола ўлими 3 баробардан зиёдга камайиши, шунингдек, мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши эътироф этилгани фикримиз тасдиғидир.

Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олишга эътибор қаратилиши натижасида кам вазнли болалар фоизи 19 дан 5 гача, туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида охириги йилларда камқонлилик фоизи 60,0 дан 33,15 гача камайди. Эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида йиллар давомида аҳоли ўртасида полиоми-

литлар, фермер ва ҳунарманд аёллар ва бошқа соҳа вакиллари манфаатларини рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси бўлмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги норма белгиланган.



литлар, фермер ва ҳунарманд аёллар ва бошқа соҳа вакиллари манфаатларини рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси бўлмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги норма белгиланган.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш ҳақида сўз юритганда, дунё таърибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиётига тўхталмасдан бўлмайди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ушбу амалиётнинг самараси оналар ва дунёга келаятган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшиланаётганида, вазни кам болалар туғилишининг олди олинаятганида намоён бўлмоқда. Она ва бола ўлими 3 баробардан зиёдга камайиши, шунингдек, мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши эътироф этилгани фикримиз тасдиғидир.

Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олишга эътибор қаратилиши натижасида кам вазнли болалар фоизи 19 дан 5 гача, туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида охириги йилларда камқонлилик фоизи 60,0 дан 33,15 гача камайди. Эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида йиллар давомида аҳоли ўртасида полиоми-

елит, бўлма, қоқшол касалликларининг рўйхатга олинмаганлигини айтиб ўтиш мумкин. Шу боис, 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан ҳоли ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сертификатига эга бўлди.

Давлат миқёсида қабул қилинган ҳужжатлар асосида ҳукуматимиз, вазирликлар ва кўмиталар, жамоат ташкилотлари аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жабахаларидаги иштирокини таъминлаш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилганда, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ислохотларининг узвий қисми сифатида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштироки ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиш мустақил давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътироф этилмоқда. Мазкур масаладаги чора-тадбирларнинг узвий қисми сифатида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолияти ва давлат бошқаруви органларида аёлларнинг кенг иштирок этишини кафолатлайдиган ҳуқуқий асослар яратиб келинмоқда. Зеро, жамиятимизда сиёсий фаол ҳуқуқий билимга эга, замон билан ҳамнафас, юртимиз равнақиға камарбаста аёллар сафи кун сайин кенгайиб бораётгани порлоқ келажакимизнинг муҳим гаровидир.

Намоз ТОЛИПОВ.

СОСТОЯЛОСЬ ЗАСЕДАНИЕ КОЛЛЕГИИ

26 февраля 2016 года состоялось очередное заседание Коллегии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

В нем приняли участие члены Коллегии, руководители Центрального аппарата Министерства здравоохранения, руководители территориальных органов, образовательных и лечебно-профилактических учреждений Министерства здравоохранения, а также председатель Комитета Законодательной палаты Олий Мажлиса по труду и социальным вопросам Е. Умаров и заместитель председателя комитета М. Ходжаева.

В повестку дня заседания, которое прошло в формате видеоселектора, был включен

ряд важных вопросов. В частности, был заслушан доклад М. Ходжаевой о правовых основах фармацевтической деятельности в Узбекистане и перспективах ее развития, о сути и значении Закона Республики Узбекистан «О лекарственных средствах и фармацевтической деятельности», а также доклад М. Ибрагимова о полномочиях Министерства здравоохранения Республики Узбекистан в области лекарственных средств и фармацевтической деятельности, а также об актуальных задачах стоящих перед министерством.

Министр здравоохранения

А. Алимов проинформировал участников заседания о ходе исполнения Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4782 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы социальной поддержки и медицинской помощи уязвимым слоям населения» от 22 февраля 2016 года.

В ходе заседания был заслушан отчет начальника Контрольной инспекции Министерства здравоохранения А. Агзамова о деятельности инспекции за 2015 год.

По следующему пункту повестки дня был заслушан доклад заместителя начальника Главного управления экономики, финансирования и прогнозирования Е. Файзуллаева об итогах

финансово-хозяйственной деятельности лечебно-профилактических учреждений системы здравоохранения за 2015 год и их перспективы на 2016 год.

Следующий пункт заседания – доклад главного врача Республиканского центра государственного санитарно-эпидемиологического надзора Б. Алматова об осуществляемых мерах по профилактике внутрибольничных инфекций в лечебно-профилактических учреждениях, о существующих проблемах и задачах на перспективу.

Затем был заслушан доклад начальника Главного управления охраны материнства и детства М. Садикова об исполнении Постановления Президента Республики Узбекистан

«О государственной программе по дальнейшему укреплению репродуктивного здоровья населения, охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на период 2014-2018 годы» от 1 августа 2014 года.

В завершение участники заседания Коллегии рассмотрели вопросы по состоянию углубленного медицинского осмотра и патронажных услуг.

После ознакомления с докладами по основным пунктам повестки дня заседания планируется принятие постановления Коллегии министерства по вышеуказанным вопросам.

Информационная служба центра UzMedInfo.

Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

БУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Чуқурлаштирилган тиббий кўриқда ана шундай эзгу амални кўриш мумкин

Дарҳақиқат, тарихан қисқа давр ичида биз қандай ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда, «Ким эдигу, ким бўлди?» деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилганимиз ҳам бежиз эмас. Чунки биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни бугунги таррақийёт йўлимизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Барча соҳалар каби тиббиётнинг изчил ривожланганлиги, аҳоли, хусусан она-бола саломатлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилиши замирида ҳам масъулиятли ва машаққатли меҳнатлар ётади. Бугун дунё бизнинг ютуқларимизга ҳавас билан қарамоқда. Илғор тажрибаларимиз тан олинган. Зеро, ҳар йили байрамлар

арафасида республикаимиз тиббиёт муассасаларида ҳам тайёргарлик ишлари, жумладан, чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар, турли тадбирлар ҳамда ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилади. Шу билан бирга, замонавий даволаш иншоотлари фойдаланишга топширилади. Айниқса, бу йилги тадбиримизнинг баҳор байрамлари – 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Наврўз айёми арафасида ўтказилиши халқимизга янада кўтаринки кайфият бағишлаб, уларнинг эртанги фаровон ҳаётимизга бўлган ишончларини янада ортттиради, десак муболаға бўлмайди.

Келинг, яхшиси тадбир иштирокчилари ҳамда аҳолининг фикрлари билан ўртоқлашайлик.



Республикаимизнинг барча вилоятларида тиббий кўриқлар давом этмоқда

Феруз НАЗИРОВ,

Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор, гуруҳ раҳбари:

– Мана, етти йилдирки, Президентимиз ташаббуси билан ушбу тадбирнинг ташкил этилганлиги самарасини бериб, авваломбор аҳолининг ўз саломатлигига эътибори ва шифокорга бўлган ишончи ортаётганлигини кўряпмиз. Айниқса, ўтказилган тиббий кўриқда юқори малакали соҳа мутахассисларининг иштироки касалликларни аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволанишга муҳтож бўлган беморларга имтиёзли тарзда амалий ёрдам ҳамда пойтахтимизнинг етакчи клиникаларига бепул йўлланма берилиши, бу албатта давлатимиз томонидан инсон саломатлигига бўлган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Жорий йилдаги тадбирда Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида истиқомат қилаётган фуқаролар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Текширувлар натижасида болалар ва катталарда учрайдиган турли хил касалликлар аниқланиб, уларнинг айримларида жойларда даво муолажаларини олиш буюрилган бўлса, операцияга зарурати бўлган беморларга эса, пойтахтимизнинг ихтисослаштирилган клиникаларига бепул йўлланма бердик. Кўриқдан асосий мақсад бемор аҳоли кузатилиб, номигагина тавсия ва маслаҳат бериш эмас, балки у юборилаётган тиббиёт муассасаси раҳбари билан узвий алоқада бўлиб, бемор соғломлаштирилгунча масъулликни ўз зиммамизга олишимиз зарур. Бўлиб ўтаётган ушбу тиббий кўриқда олдинги йилларга қараганда, касаллик кўрсаткичлари камайганлиги ҳамда халқимизнинг ўз саломатлигига бўлган иштиёқларини кўриб, қувондим. Яна шу нарсани аңглаб етдимки, вилоятларда соғлом турмуш тарзига эътибор қаратилаётганлиги ҳамда тиббиёт ходимларининг ўз устида ишлаётганликлари кўриниб турибди. Ишонимизки, бу каби тадбирларимиз ўзининг бардавомлигини ҳеч қачон йўқотмайди.

– Соғлом ҳаёт кечирган инсон соғлом фикрлайди, – дейди **Ўрта Чирчиқ туманидаги Одил файз кўчасида истиқомат қилувчи Шухрат Салаев.** – Бунинг учун бугун биз фуқароларга барча шарт-шароитлар яратилган. «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» тиббий тадбирида иштирок этиб, пойтахтимиздан келган малакали мутахассислар текширувидан ўтдим. Айниқса, гуруҳ раҳбари академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор Феруз Назиров раҳбарлигидаги мутахассислар қабулида бўлганимда уларнинг хушмуомалалиги, билим ва тажрибаси дардимга малҳам бўлди.

Хирурглар тавсияси билан травматолог ва невропатологлар кўригида касаллигим бўйича аниқ ташхисга эга бўлдим. Уларнинг кўрсатмаси билан Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига йўлланма олдим. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган бу каби хайрли ишлардан мамнун бўлган ҳолда уларга чексиз миннатдорлик билдираман.

Қорақалпоғистон Республикасида...

«Хеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар давом этмоқда. Нукус шаҳрига тугаш «Саманбой» посёлка фуқаролар йиғини худудига хизмат кўрсатувчи шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 7-оилавий поликлиникада ўтказилган шундай кўриққа фертил ёшдаги аёллар ва болалар таклиф этилди. Юқори малакали мутахассислар текширувида аниқланган хасталикларни даволаш учун зарур тавсиялар берилди.

Қашқадарё вилоятида...

Қарши шаҳрида ташкил этилган акцияда ҳам барча фуқаролар фаол иштирок этишмоқда. Бу халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб бораётганидан далолатдир.



Пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассислари, олий ўқув юртлиари, тиббиёт институтлари олим ва шифокорлари томонидан диспансер назоратида турган беморлар ва ногиронлар, фертил ёшдаги аёллар, ёш оналар, болалар ва кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур тавсия ва амалий ёрдам берди.

Нурбек бу йил саккиз ёшга тўлади. У туғма юрак пороги билан дунёга келган. Бугун ўғлини етаклаб Ўрта Чирчиқ тумани кўп тармоқли поликлиникасига йўл олган Севарахоннинг кайфияти ўзгача:

– Мен Оқ ота қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Марказ» маҳалласида истиқомат қиламан. Ўғлимни биринчи марта Тошкент педиатрия тиббиёт институтида кичик операция қилишган. Энди катта операцияни малакали врачлар алоҳида йўлланма билан ўтказишларини эшитиб, анча таскин топдим. Биз оналар фарзандларимиз соғ бўлгандагина оламга кулиб қараймиз. Уларнинг келажаги учун ҳар не машаққатларга тайёр турамыз. Қалбимиздаги тугёнларимизга кулоқ тутиб, болаларимизни алоҳида меҳр ва эътибор билан кўриқдан ўтказайтган шифокорларимизга минг бора раҳмат дейман.

Навбатда турган оналар ва болакайлар ора-лаб болалар шифокори хузурига йўл олди. Жонкуярлик билан беморларни қабул қилаётган **Тошкент педиатрия тиббиёт институти доценти Дилоромхон Муҳаммаджонова** айни жараён тиббиёт ходимларига жуда катта масъулият юклатини таъкидлаган ҳолда куйидаги мулоҳазаларни билдирди:

– Болалар саломатлиги давлатимиз эътиборидаги муҳим масаладир. Мазкур кўриқда бир неча йиллардан буён бажонидил қатнашиб келаман. Текширув натижаларига кўра, болаларимизда кўпроқ ошқозон, камқонлик, юрак туғма нуқсонлари билан боғлиқ касалликлар учрамоқда. Мана, ҳозиргина қабулимга кирган ёш она **Махлиёхон Султоновани** оладиган бўлса, унинг фарзанди **Сабинахон** туғма маймоқлик билан дунёга келган. Шифокорларимизнинг хушёрликлари ва ўз вақтида ташхис қўйганликлари туфайли муолажа ишлари эрта бошлаб юборилган. Мен ундаги ўзгаришларни кўриб хурсанд бўлдим. Агар ўз вақтида муолажа қилинмаганида қизалоқ катта бўлгач, қийналган бўларди. Ҳозиргина текшириб шуни аниқладикки, **Сабина**да марказий асаб тизимининг перинатал шикастланиши мавжуд бўлиб, рахит ҳам бор. Мен **Махлиёхонга** қизчасини кўпроқ кўкрак сути билан озиқлантириши фойдали эканлигини таъкидладим. Шунинг билан биргаликда сутли бўтқалар, сабзавот ва мевалар бола иммунитетини мустаҳкамлайди. Соғлом она ва бола камолоти учун муҳим аҳамият касб этадиган бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўткирбек МАТҚУЛИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси факультет ва госпиталь жарроҳлик кафедраси катта ўқитувчиси:

– Мазкур хайрли тадбирда бир неча йиллардан бери қатнашиб келаётганимдан мамнунман. Бугун жарроҳлик бўлимига мурожаат қилган кўп раб беморларимиз асосан қон-томир касалликлари, неврологик хасталиклар, остеохондроз ҳамда кўз касалликларидан шикоят қилиб келишмоқда. Шунини таъкидлаб ўтиш муҳимки, фарзандларимизда учрайдиган ҳар қандай касалликнинг келиб чиқиши ва ривожланишига оналаримиз ўз вақтида врач текширувидан ўтмаганликлари ҳамда хомилдорлик даврини оғир ўтказганликлари сабабчи бўлмоқда. Айни пайтда поликлиникага кириб келаётган беморларни кузатсангиз, кўрсатилаётган меҳр ва эътибордан ниҳоятда мамнун эканликларни сезиб олишингиз мумкин. Етуқ мутахассисларнинг ташрифи, уларнинг сифатли тиббий хизмати юртдошларимиз қалбига ўзгача ишонч ва қувонч туйғуларини бахш этган. Жарроҳлик бўлимига келган беморларга Республика ихтисослаштирилган хирургия марказига ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказига йўлланмалар берилди. Керакли тавсия ва қўйилган ташхислар уларнинг руҳиятини кўтарганлигини кўриб биз шифокорлар ҳам хурсанд бўлдик. Бу каби кўриқлар, энг аввало, юртдошларимизнинг тиббий маданиятини оширади.



Шифокорлар беморлар хонадонида

Тадбир доирасида тиббиёт ходимлари **Тошпўлатовлар хонадонида бўлиб, Умиджоннинг онаси – Дилбар аянинг ҳол-аҳволини сўрашди.**

– Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Ушбу саломатлик ҳафталиги аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини эшитиб, бошим осмонга етди, – дейди у. – Ўғлим, келиним ишда, набираларим боғчадалигида хасталаниб қолсам, нима қиламан, деган хавотир йўқ. Негаки, кўриб турганимиздек, шифокорларнинг ўзи тез-тез хонадонимизга келиб туришади, хабар олишади. Нима ёрдам керак бўлса, маслаҳатларини, кўмаklarини аяшмайди. Барака топишсин.

(Давоми 5-бетда).

Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!**БУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА АЗИЗДИР ИНСОН****Чуқурлаштирилган тиббий кўрикда ана шундай эзгу амални кўриш мумкин****Жиззах вилоятида...**

Пахтакор тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган тиббий кўрикда ҳам аҳоли фаол иштирок этди.

– Туман шифокорларининг тавсияси билан Тошкентга бориб даволанмоқчи эдим. Бугун уларнинг ўзлари туманимизга келиши мушкулмизни осон қилди. Улар мени тиббий кўриқдан ўтказиб, парваришlash йўларини тушунтиришди, – дейди **Анвархон ота**.



– **Келиним яқинда она бўлиш бахтига мушарраф бўлди. Худудимиздаги патронаж ҳамширалар у Ўрта Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникамизда «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтишни айтишди. Республика перинатал марказидан келган тиббий фанлари номзоди, акушер-гинеколог Дилфуза Ҳайитованинг қабулида бўлди. Тажрибали шифокордан ҳомила соғлом ривожланаётганлигини эшитиб, беҳад қувондик, – дейди Сабоҳат ая Ҳалилова.**

**Абдулла АБДУҲАКИМОВ,****Тошкент вилояти онкология диспансери бош врач, вилоят бўйича гуруҳ раҳбари:**

– Гуруҳимизда ўз касбининг билимдонлари ва бир қанча юқори малакали мутахассислар ушбу тадбирда фаол иштирок этиб, беморларга тўғри ташхис қўйиш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш, шу билан бирга деонтология қоидаларига амал қилаётганликлари тадбир кўнгилдагидек ўтишини таъминлади. Улар фуқаролар фикрларини сабр-тоқат билан тинглаб, тўғри тавсия ва маслаҳат бермоқдалар. Тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, мута-

хассисларимиз томонидан операция жараёнида маҳаллий тиббиёт муассасасида амалга оширилмоқда. Тиббий кўриқка келаётган ҳар бир фуқаронинг мутахассисларимизга дардларини тортинмасдан айтишлари ва бизга бўлган ишончлари мени гуруҳ раҳбари сифатида мамнун этди. Айниқса, айрим беморлар бундай меҳр ва эътибордан хурсанд бўлиб, севинч кўзёшлари билан чиқиб кетишларини кузатиш биз шифокорларга янада қувонч бағишламоқда.

Дилфуза ҲАЙИТОВА,
Республика перинатал маркази акушер-гинеколог, тиббиёт фанлари номзоди:

– Тиббий кўрик йилдан-йилга ўз самарасини бермоқда. Ушбу ижтимоий акцияда қабулимга келган аёлларимиз ўзларида кечаётган касалликлар ва олди олиниши мумкин бўлган хасталиклар тўғрисида чуқур маълумотга эгалар. Тадбир давомида аёлларимизда экстрагенитал ҳамда айрим ижтимоий касалликлар борлиги аниқланди. Масалан, Моҳинисо исми аёл кўзларида ёш билан уни миома касаллиги безовта қилаётганлигини айтди. Унга касаллик тўғрисида чуқур маълумот ва керакли тавсияларни бердим. Шундан сўнг, у руҳий тушқунликдан чиқиб, табассум билан хонани тарк этди. Биринчи навбатда шифокор хушмуомаласи, қолаверса, касалликни беморга тўғри тушунтириб бера олиши билангина унинг кўнглида ишонч уйғотилади. Ушбу ҳафталикнинг байрамолди ташкил этилганлиги «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни кенг қамраб олади, десам хато бўлмайди.

Насиба АҲМЕДОВА,
Тошкент вилояти**Ўрта Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиника бош врач:**

– «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилаётган тадбир халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш ва касалликларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олишда айна мударра бўлди. Марказий поликлиникамизда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор Феруз Назиров раҳбарлигидаги гуруҳ аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди. Поликлиникамизда мутахассислар фаолияти ҳамда аҳолининг тиббий кўриги учун барча зарурий шароитлар яратилди. Шунингдек, юқори малакали профессорларнинг тавсия ва маслаҳатлари, шу билан бирга, республиканинг етакчи клиникаларига берган имтиёзли йўлланмалари аҳоли саломатлигига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Бундай эзгу тадбир халқимиз саломатлиги, турмуш фаровонлиги ва бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатларини янада мустаҳкамлашда асосий омил сифатида хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Жаҳонгир НУРМАТОВА, Оқ ота қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Бойқўрғон» маҳалласи, Бахт кўчасида истиқомат қилади. Исми жисмига монанд шижоатли бу онахонимиз бугунги кўриқка тенгдошларини ҳам бирга олиб келганлигини айтиб, ўз хурсандчилигини мана бу сўзлар билан ифодалади:

– Инсон саломат бўлмаса, унинг кўнглига ҳеч нарса сифмайди. Айна пайтда ҳукуратимиз томонидан тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибордан биз кексалар жуда қувонамиз. Мен 60 ёшдаман. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Ушбу поликлиника врачлари Жамила Эрмакбоева назоратида даволаниш муолажаларини олиб келмоқдаман. Поликлиникамизда шароитлар жуда яхши. Патронаж ҳамшираларимиз тез-тез биздан хабар олиб туришади. Айниқса, бугунги кўрик ва малакали мутахассисларнинг ташрифи ҳақида эшитганимизда, қалбимизда жуда катта умид ва ишонч уйғонди. Мен 8 йилдан бери қандли диабет касаллиги бўйича даво муолажаларини олиб келмоқдаман. Поликлиникамиз эндокринологи Муборак Жўраеванинг хушмуомаласи, билим ва тажрибаси туфайли биз беморлар даво муолажаларини ўз вақтида олиб келмоқдамиз. Чуқурлаштирилган тиббий кўриқ туфайли поликлиникамизга келган Тошкент вилояти эндокринология диспансери шифокори Игорь Лукьянчиков қабулида бўлдим. Малакали эндокринолог маслаҳати ва тавсияларидан кўнглим равшан тортди. Бундай савобли ва хайрли ишларни амалга ошираётган инсонларни биз ҳамisha дуо қиламиз.

Муборак ЖўРАЕВА,**Ўрта Чирчиқ тумани марказий поликлиника эндокринологи:**

– Беморларимизнинг кўтаринки кайфияти биз шифокорларга ҳам ўзгача шижоат бағишламоқда. Мен ушбу поликлиникада ўттиз йилдан бери ишлаб келмоқдаман. Чуқурлаштирилган тиббий кўриқ туфайли биз шифокорлар ҳам ўз тажрибаларимизни ўртоқлашиб, беморларга энг зарурий даво муолажаларини тавсия этмоқдамиз. Эндокрин касалликлар айна пайтда бутун дунёда глобал мавзу сифатида талқин этилаётганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Соғлом ҳаёт тарзини танлаган инсон бундай касалликларга камроқ чалинади. Айниқса, қабулимизга келаётган ҳомиладор аёлларни тезроқ даволаш тадбирларини белгилашга ҳаракат қиламиз. Улар туғилажак фарзандлари саломатлиги учун қатъий овқатланиш ва кун тартибини тўғри белгилашга жиддий эътибор қаратишлари ниҳоятда муҳимдир.

Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги мобайнида республикамиздаги мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳарлардаги марказий кўп тармоқли ва оилавий ҳамда аралаш қабулга мўлжалланган поликлиника шифокорлари хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишади, тиббий маданиятни ошириш юзасидан ўз тавсияларини беришади. Зеро, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар алоҳида қайд этилганки, бу бордаги эзгу ташаббусларнинг барчаси мамлакатимизда ҳаётни янгиловчи, наслини давом эттирувчи, оила иқлимини покиска тутувчи, фарзандлар камолотига пойдевор бўлувчи, Аёл деб аталмиш муаззам ва мўтабар зотга кўрсатилаётган юксак эътибор, беқиёс ғамхўрлик самарасидир, албатта.

Бундай кенг аудиторияда ўтказилган тадбир ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Бунда давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, мутасадди вазирликлар, шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарларининг ҳамкорликлари боис, тиббий кўриқдан кутилган натижага эришилиши шубҳасиз. Оммавий тарздаги ана шу тадбир туфайли йилдан-йилга аҳоли ўртасида касаллик кўрсаткичлари камайишига ҳамда халқимизнинг умр давомийлиги ўсишига эришилаётганлиги халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Бўлиб ўтган ушбу тадбирда юртимиз аҳолисининг янада фаол иштирок этиши ҳамда малакали мутахассислар томонидан уларга кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматнинг ўрни нечоғлик муҳим эканлигини дилдан ҳис этган ҳолда байрамолди акцияси муваффақиятли ўтишига ҳар биримиз масъулият билан ёндашишимиз зарур.

(Ушбу ижтимоий акциянинг республикамиз бўйича ўтказилиши билан боғлиқ тафсилотлар газетамизнинг навбатдаги сонларида бериб борилади).

1-, 4-5-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА ва Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА тайёрлади. Ақром АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ЖАМОЛИ ВА КАМОЛИ

Мамлакатимизда 2016 йил – Соғлом она ва бола йили деб аталиши муносабати билан беихтиёр хаёлимда ўзим гувоҳ бўлган тарихий воқеалар бирма-бир жонлана бошлади. Сабаби, камина 1991-1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги ташкил этилган “Харбий хизматга чақирилувчи ўсмирлар билан ишлаш” бошқармаси етакчи мутахассиси сифатида фаолият кўрсатдим. Бошқармаимизга Соғлиқни сақлаш вазири муовини Баҳодир Йўлдошев раҳбарлик қиларди.

Ўша пайтда Президентимизнинг 1990 йил 4 сентябрдаги “Республика ёшларини армияга чақириш ва уларнинг ҳарбий хизмат ўташни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони талабларига мувофиқ, армияга фақат соғлом, бақувват, умуман ҳар томонлама етук, баркамол йигитларни танлаб олиш вазифаси қўйилганди. Баҳодиржон ака шундай масъулиятли вазифани зиммасига олиб, атрофига тажрибали мутахассисларни тўплади.

Дастлабки ишлар Андижон вилоятида мактаблараро ўсмирлар поликлиникасини ташкил этиш ва у ерда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчиларни назоратга олиб, уларга тиббий хизмат кўрсатишни жадаллаштиришдан бошланди. Кўзланган натижалар Фармон ижроси билан яна уйғунлашиб, кўпгина ёшлардаги айрим нуқсонлар, касалликлар ўз вақтида аниқланди, ўсмирларнинг ҳарбий хизматга лаёқатлилари танлаб олинди. Кейинчалик бу ташаббуснинг вилоятлараро кенгроқ қанот ёйишида ҳам фидойи инсон Баҳодир Йўлдошевнинг хизматлари катта бўлди. Бу орада идоралараро махсус мувофиқлаштириш кенгаши тузилиб, унинг олдида жойлардаги ёшлар саломатлигини назорат қилиш, бардамбақувват, соғлом авлодни тарбиялаш масалалари белгилаб қўйилди. Албатта, бу ишларни бажариш осон кечган эмас. Мазкур жараёнларнинг гувоҳи сифатида айтишим мумкин, соғлиқни сақлаш тизимини юксалтириш, ўсмирлар ҳаётини ҳар томонлама яхшилаш, ривожлантиришга Баҳодиржон ака ва у кишининг ҳамкасблари жонбозлик билан ҳаракат қилишди. Қарангки, амалга оширилган ишлар зое кетмади. Мавжуд муаммолар, таклиф ва мулоҳазалар билан ҳукуратимиз раҳбариятига бир неча бор хатлар юбордик. Ниятлар ҳолис экан, Президентимиз томонидан соғлом авлодни шакллантириш йўлидаги меҳнатлари билан фидойилик кўрсатган инсонларни тақдирлаш учун бирор орден таъсис этиш лозимлиги таклифи киритилди. Шунга мувофиқ, Баҳодир Йўлдошев бошчилигида бир гуруҳ ҳамкасблар маслаҳатлашиб, таъсис этилажак нишон хусусида аниқ таклифлар киритдик. Кўп ўтмай, 1993 йилнинг 4 мартда Юртбошимиз томонидан “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди.

Шундай қилиб, захматкаш инсон та-

шаббуси билан бошланган хайрли ва савобли ташаббус эндиликда умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ватаннинг чинакам баркамол, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, етук, доно ва зукко, фидойи авлодларини вояга етказиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг бу соҳага бераётган эътиборлари, айниқса, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатига бўлмаган “Соғлом авлод учун” юксак нишонининг юзага келиши катта сийсий, ижтимоий, моддий ва маънавий аҳамиятга молик бўлиши фикримиз далилидир. Буни куйидаги рақам ва мисоллар тўлиқ тасдиқлаб турибди.

2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислам Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Унда оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда, 217 та зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган кампада биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 та шундай мактаб куриш режалаштирилмоқда. 2016 йилда 28 та янги умумтаълим мактаби куриш, 234 мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш ишлари бошланади.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483, 3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари 2016 йил 11 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 ва 56 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларимиз натижасида ўғил-қизларимиз мунтазам шуғулланадиган спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бораётгани, масалан, айни шу ёшдаги болалар 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани бу соҳадаги ютуқларимиз нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётганидан далолатдир.

Маълумотларга кўра, 2000 йилда ҳар 100 минг боланинг 6 мингга яқини ўткир респираторли вирусли инфекцияларга, 576 нафари пневмония, 449 нафари бронхит, 310 нафари сколиоз касаллигига чалинган эди.

Кейинги йилларда кенг кўламдаги иқтисодий, ижтимоий, маиший, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз натижасида бугунга келиб спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайгани эришилган энг муҳим натижа сифатида барчамизни қувонтиради.

Болаларимиз келажагини ўйлаб олиб бораётган мана шундай ишлар уларнинг жисмоний камолотида сезилиб турибди. Масалан, Ўзбекистонда бўй кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келадиган 14 ёшли ўғил болаларнинг улushi бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича 97,9 фоизни, Наманган вилояти бўйича 97,6, Қашқадарё вилояти бўйича 97,1, Бухоро вилояти бўйича 96,8, мамлакатимиз бўйича 94,2 фоизни ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, 14 ёшдаги ўғил-қизларимизнинг бўйи кейинги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметрга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни шу йўлда амалга оширган ишларимизнинг яна бир муҳим натижасини ҳарбий хизматга роқоли деб топилаётган йигитлар сони 2000 йилдаги 63,4 фоиздан 2015 йилда 86,3 фоизга етгани, уларнинг бўйи шу даврда 5,9 сантиметрга ўсиб, ўртача 171,7 сантиметрни, вази эса 6,2 килограммга ортиб, 67,8 килограмми ташкил этаётгани мисолида кўришимиз мумкин.

Фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт билан бир қаторда мусиқа ва санъат ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир. Чунки жисмоний тарбия ва спорт боланинг иродасини тоблаб, соғлиқини мустаҳкамлашга ҳисса қўшса, санъат унинг руҳига озиқ беради.



ради, қалбини, энг нозик туйғуларини камолга етказди.

Ижодкор қалб ёмонликдан албатта узоқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз болалар спорт объектиларини қуриш билан бирга, мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келмоқдамиз.

Бу ишларни янада изчил давом эттиришимиз керак. Чунки қизларимиз тимсолида биз, авваламбор, бўлғуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларини кўрамиз. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом бўлади. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасида илк бор таъсис этилган “Соғлом авлод учун” орденининг шундай номланиши замонида эзгу мақсадлар мужассамлангани айни ҳақиқатдир. Бу халқимизнинг тараққиёти учун зарур шарт-шароитлар яратувчи, ёш авлодни она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, баркамол авлод орзусини рўёбга чиқариш йўлидаги кенг кўламли ишларнинг ўзига хос тимсоли, деб очасидир. Буни ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган асрларга татигулик ишларимиз, шунингдек, 2011 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ўзбекона миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусида нуфузли халқаро симпозиум ўтказилгани, улғувор резолюция қабул қилингани ҳам тасдиқлаб турибди.

Зеро, соғлом авлод – юрт жамоли ва камолдир. Зукко боболарию момолари, ота-оналари, фарзандлари ҳар томонлама етук ва баркамол юрт ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам ва ҳеч кимга қарам бўлмайди.

**Искандар РАҲМОН,
Қуролли Кучлар
фахрийси.**

ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ ИЗЗАТ УЧУН ЯРАЛГАН...

аҳду вафо, ҳаё, ибо ва ифпат каби хусусиятлар борлиги талқин этилади. Унинг шеърларида чуқур мазмун ва самимий ташбеҳлар уйғунлигини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, туйғу ифодаси самимиятдан йироқ бўлса, шеър ўқувчи қалбига етиб бормайди. Халқона оҳанг ҳар қандай шеърга жозиба бағишлайди, унинг ўқишли бўлишини таъминлайди ва назмининг таъсир кучини оширади. Муҳаммад Юсуф шеърлари ана шундай самимий, халқчил, юрак тўридан тез жой оладиган маъносини чуқур ва теран сатрлардир. Шоир шеърларини ўқиганингизда, мазмун ва шакл уйғунлиги муштарак эканлигини англаб етасиз. Шу ўринда Дўрмондаги ёзувчилар боғида бўлиб ўтган бир воқеага тўхталиб ўтмоқчиман.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳаммад Юсуф билан талабалик давриданок яқин ака-ука тутиниб, хонадонларига тез-тез бориб турар эдим. Баъзида ёзган шеърларимни кўрсатиб маслаҳатлар ҳам олганман. 1998 йил баҳор кунларининг бирида шоир биз турадиган Дўрмондаги дала ховлисига келиб қолди. Шунда мен Муҳаммад акага қизчаларимга эсдалик учун шеър ёзиб беришларини илтимос қилдим. Муҳаммад Юсуф: «Майли, сен ҳам озми-кўпми шоирлик қилиб турасану, Меҳринисо қизимга сенинг номингдан тўртлик ёзиб бераман», деди ва уни қоғозга туширди.

*Кўзим, қизалоғим, азиз
қизимсан,
Меҳринисом менинг тонг
юлдузимсан.
Эртага борманми йўқми,
ким билар,
Сен ортимда қолар ёруғ
юзимсан.*

«Энди Холидахон набирам ҳам хафа бўлмасин, айтгандай, бу тўртликка онасини ҳам қўшамиз», дедилар ва куйидаги сатрларни ёзиб бердилар.

*Гулдан нозик сувдан пок
Холидадан айланай.
Шундай қизни яратган
Волидадан айланай.*

Бу тўртликларда мужассам бўлган оҳангдорлик, пурмаънолик, халқчил ва юраклар торини бир зумда чертадиган ҳақиқий маъно Муҳаммад Юсуфгагина хослигини ўшанда яна бир англаганман.

Бу эсдалик шеърларни оиламиз билан ҳаммамиз ёддан биламиз. Муҳаммад Юсуф оналарни, аёлларни жуда эъзозларди. «Аёлга қўл кўтарган эркак энг разил ва кўрқоқ, у инсон деган номга нолайиқ», деган сўзлари ҳозиргидек қулоқларим остида жангларга туради.

Муҳаммад Юсуф: “Қизларимиз ва аёлларимизни доимо ҳурмат ва ҳимоя қилиш керак. Уларнинг номуси ва шарафини, инсоний ғурурини ҳар доим авайлаш зарур. Сенга ёққан қиз сенинг бўлажак рафиқанг, болаларингни онаси бўлиши мумкин. У сенинг барҳаётлигинг гарови, фарзандларинг қиёфасида сени яна қайта дунёга келтиради. Биз эркаклар турмуш ташвишлари билан кўп вақтимиз кўчада ўтади. Баъзан болалар тарбияси ҳам уларнинг зиммасига тушади. Шунини тушуниб етиш керакки, қаерда аёллар болаларига нисбатан бироз қаттиққўл ва талабчан бўлса, ўша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишади”, деган эдилар. Муҳаммад Юсуф

кўплаб шеърларида азиз оналаримизни, муҳтарама аёлларимизни ўзига хос ташбеҳлар билан баралла куйлаган. У аёлларни севишни, ҳурмат қилишни, иззат-иқром кўрсатишни, улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомимизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларимизни икки баробар оширувчи қудрат олишни ўргатиб кетди. Шоирнинг шеърларида она ва аёл муқаддас заминимиздаги фаришталар эканлиги кўп бора таъкидланган. Бу ўтли мисралардан оналик меҳри, жасорати ва аёлларимиздаги садоқат, фидойилик, олижанонлик ва муҳаббат каби фазилатлар анвойи гуллардек уфуриб туради.

**Абдулла ЖОВЛИЕВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси
функционал диагностика ва лаборатория бўлими
мудир, тиббиёт фанлари номзоди.**

Юртимиз шифо масканларида

ПСИХИАТРИЯ ХИЗМАТИ – ЎТА МУРАККАБ ЖАРАЁН

Жорий йилнинг февраль ойида Республика руҳий касалликлар клиник шифохонасида “Ўзбекистонда психиатрия хизматининг аҳволи” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинарни шифохона бош шифокори Самариддин Тилавов кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимиз тиббиёт тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида тўхталиб, давлатимиз раҳбари томонидан соҳанинг ҳар бир йўналишига катта эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қаро-

мирдан чиқарилиб, беморлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Беморларга тўғри ташхис қўйиш ва даволашда мутахассисларнинг билим ва тажрибалари муҳим аҳамият касб этади. Диспансеримизда кадр-

лий кўникмалар борасида ўзаро фикр алмашамиз. Соҳадаги муаммоларга ҳамкорликда ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Фақат ютуқларни эътироф этиш билан четгараланиб қолмаслигимиз керак. Психиатрия хизмати ўта мураккаб жараён. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар борасида муҳокама чоғида қизғин тортишувлар юзага келиши қувонарлидир.

Семинарда ўртага ташланган мавзулардан бири соҳада кадрлар етишмовчилиги масаласидир. Диспансеримизда ёш ва етуқ мутахассисларга эҳтиёж катта. Йиғилишда эътиборга молик судга оид экспертиза масаласи кўтарилди. Эътибор бериб кузатилса, судга оид экспертизаларнинг такрор ва такрор ўтказилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Агар экспертиза мутахассислар томонидан муҳим тайёргарлик асосида сифатли ўтказилса, бу каби ҳолатлар учрамаган бўларди. Семинарда диспансерларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларига жиддий ёндашилаётганлиги, муолажалар янги аппаратуралар ва дори-дармонлар асосида олиб борилаётганлиги, беморларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш ишларига алоҳида аҳамият қаратилаётганлиги борасида ҳам сўз юритилди. Тошкент вилояти руҳий асаб касалликлар диспансери ҳам Инвестиция дастурига асосан, 2015 йил ноябрь ойида капитал таъмирдан чиқарилди. 110 ўринга мўлжалланган диспансеримизнинг 90 таси руҳий, 20 таси эса гиёҳванд беморга ажратилган. 2016 йил январь ойида пойтахтимизда ўтказилган корпоративон биржада қатнашдик. Диспансер эҳтиёжи учун 164 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар учун шартнома туздик, – дейди Тошкент вилояти руҳий асаб касалликлар диспансери бош шифокори Ферузахон Шоносирова.

Семинарда чекка вилоятлардаги шифо масканларини замонавий аппаратуралар билан таъминлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Махмуд РАҲИМБОВЕВ,
Хоразм вилояти руҳий асаб касалликлар диспансери бош врач:

– Истиқлолимиз шарофати билан тиббиётнинг ҳар бир йўналишига катта эътибор қаратилганлиги бос, тизимда ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, давлатимиз томонидан психиатрия хизматини янада ривожлантириш имкониятлари кенгайиб бораётганлиги вилоятлардаги руҳий асаб касалликлари диспансерларининг моддий-техник базасини мустақамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Диспансеримиз 10 та бўлимдан иборат бўлиб, 500 ўринга мўлжалланган. Беморларга 23 нафар шифокор ҳамда 137 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифо масканимизда шизофрения, тутқаноқ, туғма заифлик, бош мия жароҳатидан кейинги асоратлар билан келган беморлар даволанади. Беморлар даволаниши учун зарурий шароитлар яра-

тилган. Касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишда бирламчи тиббиёт ходимларининг алоҳида ўрни бўлиши зарур. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларида катталар ва болалар саломатлигини назорат қилувчи психиатр хоналари ташкил этилган. Психиатрия хизмати олдида турган муҳим масалалар доирасида фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик вакиллари ҳам бу борада ҳамкорлик ишларини янада кучайтирсалар мақсадга мувофиқдир.

фохоналарда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри юритиш ишларига қаратилганлиги билан алоҳида ўринга эга бўлди. Албатта, бундай семинарларнинг тез-тез ўтказиб турилиши фаолиятимизни янада такомиллаштириш омили бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Малика ЗОИРОВА,
шифохона бўлим бошлиғи:
– Аёллар бўлими жорий йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, даволанувчилар учун барча шароитлар мавжуд. Бўлим 50 ўринга мўлжалланган. Унда 2 нафар психиатр-врач, 12 на-



рида тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда ўз ечимини кутаётган муҳим масалаларга жиддий ёндашилганлигини алоҳида тилга олди. Мазкур семинарда республикамиздаги барча руҳий касалликлар диспансерлари бош шифокорлари ва етакчи мутахассислар қатнашдилар. Йиғилишда асосан, 2015 йилдаги психиатрия

лар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили беш нафар мутахассис психиатрия хизмати йўналишида малака ошириб келди. Бир нафар мутахассис эса суд экспертизаси бўйича ўқитилди. Ҳамширалар тоифаси оширилди.

Бизга мурожаат қилаётган беморларнинг аксарияти болаликдаги эътиборсизлик туфайли



хизмати, шунингдек, 2016-2020 йилларга мўлжалланган вазифаларни белгилаш ва соҳа ривожини бўйича концепция ишлаб чиқиш масаласи юзасидан ҳудудий муаммолар, ютуқлар ўртага ташланди.

– Диспансеримизда даволанаётган беморларга тўғри ташхис қўйиш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун 2015 йилда бир қанча лаборатория асбоб-ускуналари олинди. Шунингдек, жорий йилнинг бошида замонавий УТД аппарати келтирилиб, айни кунда беморлар саломатлиги текширувдан ўтказилмоқда. Ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур йилда рентген, РЭГ, электрон энцефалограф аппаратларининг олиниши режалаштирилган. Бундан ташқари, аёллар бўлими тўлиқ таъ-

юзага келадиган асорат (бошдан олган оғир жароҳат), руҳий кечинмалардан азият чекадиганлардир. Демак, ҳар бир оилада катталар ва болаларда кузатиладиган руҳий-жисмоний ўзгаришларни вақтида текширтириш ҳамда даволатиш муҳимлигини унутмаслик керак. Мазкур семинарда республикамиз миқёсидаги руҳий диспансерлар шифокорлари ҳамда илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг иштироки психиатрия йўналишида долзарб бўлган масалаларни кўтаришга имкон яратди, – дейди шифохона бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Хайрулла Ҳамидов.

– Семинар-тренингларда диспансер хизматини ташкил этиш, олдимиздаги вазифаларга ечим топиш, илмий изланиш ва ама-



Отабек МАҲМУДОВ,
шифохона бўлим mudiri:
– Шифохонамиз 2012 йилда қайта таъмирдан чиқарилиб, даволанувчилар учун кенг имкониятлар яратилган. Эраклар бўлими 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, уларни даволашга 3 нафар врач, 12 нафар ҳамшира, 2 нафар психолог ҳамда 23 нафар кичик тиббиёт ходими жалб этил-

фар ҳамшира, 18 нафар кичик тиббиёт ходими фаолият юритади. Албатта, мазкур шифохонада ишлаш соҳа мутахассисидан катта масъулият талаб этади. Хасталикнинг бу тури билан касалланган беморларга ҳар томонлама тиббий ёрдам кўрсата олиш, улар қалбига йўл топа билишимиз керак. Аёлларнинг кўпчилигини асосан, руҳий туш-



ган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу семинар республикамиз миқёсида фаолият кўрсатаётган психиатр раҳбар-шифокорлар иштирокида соҳадаги ечимини кутанган муҳим масалаларга ойдинлик киритилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Маҳорат дарсларининг олиб борилганлиги эса соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашинуви ҳамда ши-

қулик туфайли зўриқиш олганлар ташкил этади. Аввало, ҳеч бир инсон бундай касалликка чалинмасин. Оилада бир инсон руҳий касалликка чалинса, бошқалар азият чекади. Шундай экан, ушбу касалликнинг олдини олишда барчамиз бирдек масъул бўлиб, асабларни асрайлик, турмуш ташвишлари олдида иродали бўлайлик. Мехру оқибатимизни бир-биримиздан дариг тутмайлик.

Кенг аудиторияда ўтказилган ушбу семинар-тренинг соҳа мутахассисларининг билим тажрибасини бойитиши билан бирга, соҳада ўз ечимини кутаётган масалаларни муҳокама қилиш имконини берди.

Семинарда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА,
Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
Суратлар муаллифи
Ибодат СОАТОВА.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



Ўз ҳаётини фаолиятини
тиббиёт соҳаси билан
боғлаган барча она-
сингилларимизни
бахорнинг илк айёми –
8 март – Халқаро
хотин-қизлар
байрами билан чин
юракдан
муборакбод этади.



ЎЗБЕКИСТОН СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ RESPUBLIKA КЕНГАШИ

Аёл зотини кўкларга кўтариб, шеър
битмаган шоир, таърифу табсир бермаган
ёзубчи, кўшиқ кўламаган
хонанда бўлмаса керак.

Чиндан ҳам аёллар борки, ҳаётимиз гўзал,
уйимиз саранжом-сарошта, дастурхонимиз
файзли, дея юртимизнинг барча аёлларини
8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами
билан самимий қутлайди.



Обуна – 2016

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2016 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзтибтехника» очиқ акциядорлик жамияти раиси Жамшид Тохтаевич Алимовга волидаи муҳтарамаси

АЗИЗАХОН аянинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази» акциядорлик жамияти даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари – бош шифокор Равшан Тўлқинович Шукуровга падари бузруквори

Тўлқин ШУКУРОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ

Нашр учун масъул:

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6960 нусха.
Буюртма Г-358.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

